

№6-Сон
Январь – февраль 2016

Ўзбекистонда инклюзив
жамиятни тараққий
топишига турткы
Бет. 4

Лойиҳанинг
10 мувафақияти

Бет. 8

Шахслар,
кечмишлар,
тақдирлар...
Бет. 10-23



Лойиҳанинг 10 мұхим
мувафақияти ҳамда
омадға әришилғанликнинг
12 ҳикояси



«Ўзбекистоннинг апохида әхтиёжли болаларини
инклюзив таълим олиши» лойиҳаси Евropa
Иттифоқи томонидан молиялаштирилмоқда
ва HumanDynamics раҳнамолигидаги
консорциум орқали амалга оширилмоқда.



Евropa Иттифоқи



№6 – сонимизда



2016 йилнинг январь-февраль ойларида лойиҳада
амалга оширилган асосий ишлар рўйхати

▼ бет.

РБИММ нинг директори Алимова Васила Сатторова	
билин кириш сұхбати	4
Лойиҳанинг 10 мувафақияти	8
Инклюзив таълимнинг 2015-2017 йиллардаги Миллий стратегияси	8
Стратегия хусусида 5 асосий далил	9
Омадга эришилғанликнинг 12 ҳикояси	
Биринчи ҳикоя: Босқичма-босқич одимлаб	10
Иккинчи ҳикоя: Меҳр нуридан баҳра олиб	12
Учинчи ҳикоя: Барчасини улдалаймиз	13
Тўртинчи ҳикоя: Зоянинг янги олами	14
Бешинчи ҳикоя: «Мен – кўнгилліман!»	15
Олтинчи ҳикоя: Эътиборингиз ва жонкуярлигингиздан миннатдормиз	16
Еттинчи ҳикоя: Инклюзив таълим – амалда	17
Саккизинчи ҳикоя: «Шамсия» болалари – меҳр тафтида	18
Тўққизинчи ҳикоя: Она нигоҳи	19
Ўнинчи ҳикоя: Қўрқувни енгиг	21
Ўн биринчи ҳикоя: «Орзум – келажақда яхши инсон бўлсин...»	22
Ўн иккинчи ҳикоя: Қўллаб-қувватлаш Маркази	23
Фойдали ресурслар	24
Экспертларимиз лойиҳа ҳақида	26



Биз билан алоқа манзили:

«Ўзбекистоннинг алоҳида эҳтиёжли болаларни инклюзив таълим олиши»
ложиҳасининг официални, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази
Абдулла Қаххор кўчаси, 34, Тошкент шаҳар, 100100, Ўзбекистон

Тел.: +998 90 980 59 85

E-mail: inklyuzivnoe.obrazovanie@hd-ie.com

Лойиҳа веб-сайти: <http://www.inclusive-education.uz/>

Биз билан Фейсбуқдаги саҳифа орқали боғланинг:
<https://www.facebook.com/inclusive.uz>

Лойиҳада 2016 йилнинг январь-февраль ойларида амалга оширилган асосий **ишлар рўйхати**



5.01.2016 Самарқанд шаҳрида ОАВ вакиллари учун семинар-тренинг

8.01.2016 Урганч шаҳрида ОАВ вакиллари учун семинар-тренинг

12.01.2016 Наманган шаҳрида ОАВ вакиллари учун семинар-тренинг

14.01.2016 Термиз шаҳрида ОАВ вакиллари учун семинар-тренинг

17.01 – 29.01.2016 ТППК тренинглари бўйича халқаро эксперт
Регина Сабуляускиенинг ташрифи


20.01 – 21.01.2016 Тошкент, Сурхондарё, Наманган вилоятларининг
ТППК аъзолари учун тренинг

22.01.2016 II ишчи гуруҳининг учрашуви

26.01 – 27.01.2016 Самарқанд ва Хоразм вилоятлари ТППК аъзолари учун тренинг

15.02 – 20.02.2016 Инклузив таълим бўйича халқаро эксперт
Мэтью Гриффитснинг ташрифи

23.02.2016 Лойиҳа Бошқарув Қўмитасининг тўртинчи кенгаши



Ўзбекистонда инклюзив жамиятни тараққий топишига туртки



Лойиҳа юзага келишининг бош сабабчиси Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази (РБИММ)нинг раҳбари Алимова Васила Сатторова билан интервью

Лойиҳани ташкил этиш ҳақидаги ғоя қандай юзага келди?

«Ўзбекистоннинг алоҳида эҳтиёжли болаларини инклюзив таълим олиши» лойиҳаси 2010 йилда РБИММ ташаббуси билан юзага келди. РБИММ ташкил топганидан бери Халқ таълими вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ижтимоий мослашув, соғлиқни сақлаш масалалари борасида ҳабар берган тарзда узвий алоқада фаолият олиб

борганлиги шубҳасиз. Дастребаки босқичданоқ номлари кўрсатилган вазирликлардаги етук мутахассисларини ўз ичига олувчи Жамоатчилик кенгашига асос солинган. Аввалданоқ, жамоатчилик ташкилоти сифатида РБИММда болаларни ижтимоий инклюзиясига йўналиши бўйича ишловчи гуруҳ ёки иттифоқ тузилишига муваффақ бўлинди. Биз барча вазирликларнинг истакларини умумлаштириб, фаолият йўналиши ҳамда

ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда мамлакатимиздаги барча бўлинмалар орқали жамоатчиликка етказмиз.

РБИММ лойиҳанинг асосий сабабчиси бўлишига қарамай, уни амалга ошириш Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва меҳнат вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Молия вазирликлари билан бевосита узвий алоқада олиб борилади.



– Лойиҳа Ўзбекистонда инклюзив таълимни жорий этиш ҳамда РБИММнинг фаолиятига ўз таъсирини қандай кўрсатди?

– Лойиҳа биринчи ўринда Марказнинг алоҳида эҳтиёжли болаларнинг ҳукуқларини таъминланиши борасидаги фаолиятини бир неча қадам олдинга силжитди. Шубҳасиз, бу ишлар аввал ҳам олиб борилган, бироқ лойиҳа фаолиятимизнинг келгусидаги ривожланишига кучли туртки бўлди. Иккинчидан, лойиҳа нафақат вазирлик ва муассасаларнинг мутахассислари, балки РБИММ мутахассисларининг ҳам билим даражаси ва малакасини ошириш имконини берди. Лойиҳа доирасидаги фаолиятларида ходимларимиз бошқа мамлакатларнинг инклюзив амалиёти тажрибасини ўрганиш, маҳоратини

ҳосил қилиш орқали, айтишимиз мумкинки, инклюзив таълим жабҳасидаги ўз билимларини уч баробар орттиришди. Учинчидан, бу инклюзив таълимга ёндошувдир. Биламизки, инклюзив таълимга нисбатан ягона нуқтаи назар, қараш йўқ. Ҳар бир мамлакат ўз имкониятларидан келиб чиқишини ўрганган ҳолда биз, лойиҳа туфайли жуда катта ахборотга эга бўлдик. Ҳар бир мамлакатнинг ижобий тажрибаси ва чиқарган сабоқлари доимо фойдали бўлиб келган; айтишади-ку, ўзгалар қилган хатолардан хулоса чиқариш, ўрганиш осонроқ деб. Инклюзив таълимнинг баъзи бир томонлари муаммоларга айланиб кетиши мумкинлигини билиш биз учун муҳим бўлди. Вазирлик ва муассасаларнинг мутахассислари жалб қилинган Ўзбекистонда инклюзив таълимни ривож-

лантирилишига ёндошув ҳамда тузилмасини ишлаб чиқараётганимизда, биз турган гапки, ички жиҳатларимиз – менталитет, турмуш тарзи, таълим тизими ва соғлиқни сақлаш каби бир қатор жиҳатларни ҳисобга олдик. Шу каби барча омиллардан келиб чиқиб, Ўзбекистон шароитида муқобил бўлган моделни ишлаб чиқаришга ҳаракат қилдик.

Ва, албатта, энг муҳими – инклюзив таълим бўйича мавжуд бўлган меъёрий-ҳуқуқий базани чукур таҳлил қилишга муваффақ бўлдик. Ўзбекистон қонунчилик баъзида кучли жиҳатлар жуда кўп, шу билан бирга инклюзив таълимнинг ишга туширилишида алоҳида эҳтиёжли болалар ва уларнинг отоналарига юқори малакали таълим олиш учун шартшароит яратиш тарафидан





ҳали кўриб чиқилиши зарур бўлган жиҳатлар ҳам мавжуд эканлигини аниқладик.

Лойиҳа доирасида ОЎЮнинг талабаларига инклюзив таълим бўйича курсларни йўлга қўйдик, 2015-2017 йиллар учун инклюзив таълим бўйича Миллий стратегиямизни ишлаб чиқдик, шунингдек, болалар ҳукуқларини таъминлашга доир бир қанча ҳужжатларни ишлаб чиқдик. Бу, албатта, халқаро ва миллий экспертларнинг қўллаб-қувватлари асосида амалга оширилди. Таъкидлаб ўтиш жоизки, буларнинг ҳаммаси жамаотчилик уюшганлигига юзага чиқкан ишлардир. Жалб қилинган ҳеч қайси вазирлик четда қолмади, ишга барча баҳоли қудрат ўз ҳиссасини қўшди.

Яна аҳамиятга молик бўлган жиҳати шундан иборатки, аҳолини хабардор қилиш фаолиятига мувофиқ, ота-оналар, педагоглар, мутахассислар ушбу соҳа юзасидан кўп маълумотга эга бўлишиди. Ота-оналарнинг РБИММ филиаллари, Ресурс марказлари ҳамда Халқ таълими вазирлигидан маслаҳат сўраб ёки фарзандларини таълим муасасаларига жойлаштиришда ёрдам сўраб қилган мурожаатлари сонининг ошиши бунинг асосий кўрсаткичидир. Ҳаттоқи ўз яқинларимга ҳам бу соҳада тушунтирув ишларини олиб бордим, десам, ишонмаслигингиз мумкин; бироқ ўйлайманки, бу билан мен жамиятни ушбу соҳадаги хабардорлигини оширишга ўз ҳиссамни қўшдим. Хизмат сафарларимнинг биридан қайтаётганимда поезд-да инклюзия масаласини



ошкора намоён қилинаётган фильмни кўрдим ва бу мени қувонтирмай қолмади.

Аминманки, инклюзив таълим бўйича талабаларни тайёрлайдиган курс режалаштирганимиздек амалга ошса, ушбу масала деярли юкори даражада кўриб чиқилган бўлади ҳамда ота-оналар ва мутахассисларнинг хабардорлиги йилдан-йилга ортади. Албатта, алоҳида эҳтиёжли болаларга шароит яратиш учун турткি бўладиган мавжуд меъёрий-ҳукуқий ҳужжатларга ўзгартириш киритиш каби вазифалар ҳам турибди. Маълумки, Ўзбекистон БМТнинг имконияти чекланган кишиларнинг ҳукуқларини таъминловчи Конвенцияни ратификация қилиш йўлидан бормоқда. Шу тарзда етарли шарт-шароитларнинг яратилиши – конвенция ратификация қилинишининг асосий

муҳим омилларидан бири бўлиб ҳисобланади.

– Ушбу лойиҳа

Ўзбекистонда инклюзив таълимни жорий қилиш жабҳасидаги аввалги лойиҳалардан нимаси билан акралиб туради?

– РБИММ тарихида бу лойиҳа энг комплекс ва кенг қамровлидир. Энг муҳими – ўз ортидан натижага қолдираяпти. Мукаммал ишлаб чиқилган меъёрий-ҳукуқий база барқарор ва узоқ муддатли истиқболни таъминлайди. Ушбу нуқтаи назардан лойиҳа фаолиятини бошлаганидан буён мамлакатимиздаги инклюзив таълимнинг ривожланишига пойдевор қўйилишига фоят катта ўз ҳиссасини қўшди. Лойиҳагача мамлакатимизда инклюзив таълим мавжуд бўлганлигини таъкидлаб



ўтмасак бўлмайди. Мактабда ўқиб юрган пайтимда синфимизда ДЦПли тенгдошим мен билан таълим олган. Биз бунга бошқача нигоҳ билан қарамас эдик: у ҳам биз қатори мактабга қатнар эди, билим олди, мактабни тугатиб эса мутахассисликка ўқиди, оила қурди. Ҳеч ким унинг ҳамма қатори таълим олиши ва яшаши имкониятларига шубҳа кўзи билан қарамас, биз буни табиий деб қабул қилар эдик. Бу 90-йиллардаги ҳолат ҳали. Инклузив таълим Ўзбекистонда доимо бўлган, фақатгина узук-юлуқ шаклда эди. Биз уни кенг қамровли қилиб, барча жойларда амалга ошироқчимиз. Ҳозир ушбу жараёнга барча тарафлар жалб қилинмоқда. Аввал бир йўналишдагина фаолият олиб

борган асосий вазирликлар, ота-оналар ҳамжамияти, ННТ ва бошқа муассасалар бундан мустасно эмас. Ушбу лойиҳа Ўзбекистон жамиятида инклузив таълимни ривожланиш жараёнинга барча тарафларни торта олди.

– Лойиҳада иштирок этиш шахсан Сизга қандай ўз таъсирини кўрсатди?

– Лойиҳа асосий ташаббу-сининг раҳбари сифатида лойиҳа гуруҳи билан ишлашда катта тажриба орттиредим. Бу менга, РБИММ фаолияти, мутахассисларимизнинг ишларига ишни ташкил этишимизга, янгиликларни ўрганишимизга, лойиҳа фаолиятига ёндошувимизга, дунёқарашимизга ижобий таъсирини кўрсатди. Албат-

та, барчамиз турли тоифа, миллат, менталитетга мансубмиз, бироқ мен ҳар доим ниманидир ўрганишга интиламан ҳамда энг яхши нарсани олишга ҳаракат қиласман. Ўзим учун ишни ташкил қилиш тамойилидан тортиб, алоқаларни шакллантиришгача бўлган кўп фойдали жиҳатларни олдим. Умид билдираманки, эгалланган тажриба келажакда менга ва ҳамкасларимга ишларда ва ҳаёт йўлларида катта ёрдам беради.

Коммуникация ва жамоатчилик билан алоқа ўрнатиш бўйича эксперт Наргиза Алиқулова сухбатлашди.





Лойиҳанинг 10 мувафаққияти

- Инклузив таълим бўйича 2015-2017 йилдаги Миллий стратегияни ишлаб чиқишига 5 асосий вазирлик, ННТ, Олий Мажлис ва бошқа ташкилотлардан 26 мутахассис жалб қилинди.
- Алоҳида эҳтиёжли 1410 бола таълим олишлари учун лойиҳадаги беш етакчи худуддаги умумий таълим тизимиға кири-тилди.
- Лойиҳа доирасида 5 худуд (Тошкент, Самарқанд, Наманган, Ургонч, Термиз)да 30 етакчи мактаб ва болалар боғчаси ишга туширилди.
- Лойиҳа доирасидаги маҳсус тренинг ва семинарларда 60 та тренер, 944 педагог ва тарбиячилар, 247 мактаб эксперти ва ёрдамчи ходим (логопед, кўнгилли ва бошқа)лар, 714 ота-она, шунингдек, 90 тиббий-психологик-педагогик комиссиянинг экспертларига сабоқ берилди.

- Лойиҳа ишига Австрия, Латвия, Литва, Македония, Финландия ва Буюк Британиядан 8 халқаро эксперталар жалб қилинган.
- Инклузив таълим бўйича 7 та ота-оналар клуби ҳамда 5 та Ресурс марказлари ташкил этилди.
- Лойиҳада очилган Ресурс Марказларида 1511 та консультация ўтказилди.
- Лойиҳа юзасидан 6 та бюллетең ва жамоатчилик, давлат органлари, ота-оналар, педагог ва болаларга ахборот берувчи 5 та қўлланма ўзбек ва рус тилларида тайёрланди.
- Чоп этилган бюллетеңларнинг умумий адади 3000 нусха, ахборот қўлланмаларининг адади эса 1500 нусхани ташкил қиласди.
- Мамлакатдаги ОАВда 90 та мақола ва ахборот материаллари чиқарилди, лойиҳанинг 5 та худудидаги ОАВнинг 65 та журналистига инклюзия масалаларини ёритишга қаратилган тренинглар ўтказилди.



Инклузив таълимнинг 2015-2017 йиллардаги Миллий стратегияси

2014 йилни «Соғлом бола иили» ва 2015 йилни «Қарияларни қадрлаш ва эъзозлаш иили» деб аталиши, шунингдек, ўзбек ҳукумати томонидан БМТни Имконияти чекланган кишиларнинг ҳуқуқлари тӯғрисидаги конвенциясини ратификация қилиниши ҳамда

деинституционализация йўналишларига қилинаётган саъии-ҳаракатларни хисобга олган ҳолда шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистонда ўтказилаётган испоҳатлар ижтимоий интеграцияни ошаётганлигидан ҳамда ўзбек жамиятининг турли қатламларига қаратилган



Стратегия хусусида 5 асосий далил

1. Стратегия Ўзбекистонда инклузив таълимни ривожлантиришга бағишлиланган 5 бўлимдан иборат:


I-бўлим – Инклузив таълимни ишлаб чиқиш ва самарали хизматларини кўрсатиш

II-бўлим – Инклузив таълим ривожланишининг қонунчилик ва молиявий асослари

III-бўлим – Инклузив таълим масалалари бўйича идоралараро ҳамкорликни таъминлаш

IV-бўлим – Инклузив таълим бўйича аҳолининг хабардорлигини ошириш

V-бўлим – Стратегиянинг амалга оширилиш мониторинги ва баҳоланиши



2. Стратегияни ишлаб чиқиша 26 та миллий ҳамда халқаро эксперталар жалб қилинди.

3. Стратегия муҳокамасида 10 та ташкилот (5 асосий вазирлик, Олий Мажлис, РБИММ, «Сен ёлғиз эмассан» Фонди, Ўзтелерадиокомпания, ЎЗА Миллий агентлиги) қатнашди.

4. Стратегияни ишлаб чиқиша 5 та семинар ва ишчи учрашувлар ўтказилди. встреч.

5. Стратегия 82 бетдан иборат.

сиёсий муносабатлар пухта йўналтирилаётганлигидан далолат бермоқда. Инклузив таълим тизимини ривожлантириш ва самарали татбиқ этиш учун шу каби ташаббуслар қонунчилик асосида амалга оширишни ҳамда ҳимоя қилинишини талаб этилади.

Инклузив таълимнинг 2015-2017 йиллардаги Миллий стратегияси шуну кўрсатмоқдаки, Ўзбекистонда айни пайтда инклузив таълимни ҳаётга татбиқ этиш учун ҳар тарафлама сиёсат ишлаб чиқилмаган. Бироқ, асосий

вазифа – беш вазирлик (Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва меҳнат вазирлиги, Молия вазирликлари) ва Ўзбекистон жамиятини инклузив таълим таомойилларини татбиқ қилишга йўналтириш ҳисобланади. Ушбу Стратегиядаги асосий эътибор, Ўзбекистон таълим тизимида катта аҳамиятга эга бўлган ҳуқуқий ва маъмурий масалаларга амал қилган ҳолда Европа тажрибасининг энг яхши тарафларини кўллашга қаратилган. Инклузив таълимнинг 2015-2015 йиллардаги Миллий стратегиясида мувофиқ, Ўзбекистонда инклузив таълим тизимини татбиқ қилишнинг аниқ ва қўйилувчи одимларигагина эмас, келгусида ушбу соҳада белгиланган комплекс сиёсатни юритилишини. таъминлашига ҳам етарлича аҳамият берилган. Ўзбекистонда тўплangan далилларга асосланган ҳамда амалиётда ўз тасдиғини топган мавжуд Стратегия тўлақонли инклузив таълим сиёсатининг яратилишини мувофиқлаштириш ва йўналтиришнинг имконини беради.



Босқичма-босқич одимлаб



Муаллиф: Наманган вилояти инклюзив таълим бўйича координатори **Мақсуда Мұхсинбоева**

Яқиндагина ҳароратли кунларга тўла ёз фасли эди, энди эса деразамидан кумуш қишига яқинлаштирувчи куз намоён бўлмоқда. Инклюзив таълим билан ишлаш жараёнимизни ҳам мен табиатнинг йил фаслларига ўхшатаман. Инклюзив таълимни Наманган худудимизга олиб киришдаги иш жараёнига жуда ҳам қизишиб кетдик: ресурс марказини очдик; етакчи таълим муассасаларининг мутахассислари, вакиллари, тренерларини тайёр-

ладик; алоҳида эҳтиёжли болаларни тўпладик, уларни кўп босқичли текширувлардан ўтказиб мактабга ва боғчага сентябрдан қабул қилиб олиш учун тайёргарлик ишларини олиб бордик...

Ўқув йили бошланганинг атиги 2 ой бўлганига қарамай, болаларимиз мувафақиятга эришишмоқда: мактаб синфидаги тенгдошлари қатори ёзишни, ўқишини, қайта ҳикоя қилиб беришни, шеърни ёддан ўқишини ўрганишиди.

Масалан, 1-сinf ўқувчиси Абдулло Мансуров билан сирлашганимда, у мактаб унга жуда ёқаётганлигини, бу ерда унинг дўстлри, ўқитувчиси кўришини айтди. Мактабда нима ўрганганлиги ҳақида сўраганимда, у суҳбатлашишни, чиройли расм чизишни, ҳарфларни таниётганлигини, яна у жуда кўп шеърлар ёд олганлигини билдириди. Бўғинлаб ўқишига эса бир мунча қийналлаётганлигини, бироқ ҳаракат қилаётганлигини тан олди.



Айни шу синфда фикр юритишга бошлаган, ёзда англашни бошлаган Диёрбек Раҳмоналиев ҳам ўқииди. Синф раҳбари Нилуфар Худойқулованинг айтишича, аввал у умуман гапирмаган, индамайгина турган (врачлар унга алалия ташхисини

муҳим аҳамиятини таъкидлаб ўтмасак бўлмайди. Улар билан сухбатлаша туриб, кучли ҳаяжон билан ўғли ёки қизининг эришаётган мувафақияти ҳақида гапираётганида овози ҳаяжон ва ғурурдан титраётганинг гувоҳи бўласиз. Ота-

бир иштирокчи фаол тарзда кузатишлари, тажрибаси таълимга самарали ёндошуви ҳақида сўзлади. Бир сўз билан айтганда, ушбу учрашувдан икки тараф ҳам ўзига фойдали нарса олди. Шу каби иштирокчиларни кўрганингда, барча



кўйишган экан), сўзларни талаффуз қилишга қийналган. Ҳозирги пайтда эса Диёрбек сўзларнигина талаффуз этиш билан чекланмай, гапиришга бошлаган, ҳатто дарс пайтида партадоши дарсни тинглашга ва вазифасини бажаришга ҳалақит берса унинг устидан шикоят ҳам қиласи. Бу каби мисоллар жуда кўп.

Инклюзив таълим тўғрисида сўз юритганимизда, ўқитувчиларга фарзандлари билан ишлашга ёрдам берётган ота-оналарнинг

оналар билан ишлаётганда бунга ўзгача ёндошув асосида иш кўриш шартлигини, уларга тарбияланувчи ёки ўқувчининг отаси ёки онаси сифатида эмас, балки асосий ҳамкор сифатида мuloқot ўрнатиш шарт. Сентябрнинг охирида биз ресурс маркази тадбирлари доирасида ота-оналар ва дефектолог билан учрашув ўтказдик. Учрашувдаги мuloқot жараёни қизғин ва ўта қизиқарли ўтди, кўп саволлар берилди, мuloҳаза, тавсиялар айтилди. Ҳар

фуқаролар ушбу жараёнга бефарқ эмаслигига жараён ичида эканлигини англаб етасан.

Шу каби қисқача мулоҳазаларни билдира туриб, кейинги сафар албатта, қаршиликларга қарамай ҳар куни мўъжизага дуч келаётган ва мўъжиза яратаетган ўқитувчилар ҳақида албатта ёзаман деган қарорга келдим. Шу каби инсонлар сафимизда турган экан, инклюзив таълимни татбиқ этиш амалиёти самарали бўлишига ишонаман.



Меҳр нуридан баҳра олиб



**Амир
Бозоров**, Самарқанд шаҳридаги 13-сонли етакчи мактаб

Амир 9 ёшда, у 13-сонли етакчи мактабнинг 1-синфида ўқыйди. Бироқ бундан аввал Амир маҳсус мактабда 1 йил таълим олган. Лойиха тўғрисида хабар топган онаси уни 13-умумтаълим мактабига ўтказишга қарор қилди. Етакчи мактабга болани қабул қилишди, бироқ унинг ёнида кузатувчиси бўлишини илтинос қилишди. Бундай зарурятнинг юзага келиши табиий бир ҳол. Амир қувноқ ва жуда ҳаракатчан бола, жим ўтиради, синфда бўлиш унга жуда оғир. Амрида ҳарфларни туташ нуқталар орқали бирлашти-


риш, ёзиш кўникмасини эгаллаш қийин кечмоқда. Амирнинг баҳтига унинг таянчи сифатида кўнгилли Зилола ишламоқда. Амир мактабда ўқыйди, бироқ жисмоний тарбия каби фанлар бўлган пайтда кўнгилли қиз Зилола у билан ўйин машғулотлари ўтказади. Чунки Амир жисмоний тарбия дарсига чиқишига кўрқади, «Бу дарс шовқин-суронли дарс», – дейди у. Амир узоқдан спорт залида шуғулланаётган синфдошларини кузатишга бошлади. Аввал у ҳатто спорт залининг деразаси ёнига келишга

ҳам кўрқар эди. Амир анча хотиржамроқ бўла бошлади, ўқиш завқини ҳис этиб, мактаб вас инф тадбирларида иштирок эта бошлайяпти. «Ривожланиш даражасига кўра,-дейди ўқитувчи Юсполова Лола Валерьевна, Амир ўз тенгдошларидан орқада қолмоқда, бироқ бу муҳим эмас. Муҳими, вазифаларни синфда бажаришга ўрганмоқда». Улғайганида Амир ҳаётда ўз ўрнини топишига унинг устида ишлайтган мураббий, яқинларининг ишончлари комил. Бунга тўлиқ ишонса бўлади.



Барчасини уддалаймиз!

Муаллиф: Самарқанд шаҳар,
35-мактабнинг 1-«Д» синф ўкувчиси
Жўракулова Дилнуранинг онаси



Кўргулик экан, куйиш натижасида қизимнинг 1,5 ёшида икки қўлидаги бармоқларини кесиб ташлашди. Шунга қарамай, биз 35-умумтаълим мактабига боришга тайёргарлик кўра бошладик. Янги ўқув йили бошида болалар, ўқитувчи ҳаммага ўхшамайдиган. алоҳида эҳтиёжли Дилнурани қандай кутиб олар эканлар, деган хавотирда эдик.

«Биз тўғри танлов қилдик» дейишга арзидиган вақт ҳам ўтди. Қизим яхши ўқимоқда, тенгдошлари билан дўстлашган, ўқитувчиси билан яхши муносабатда. Ота-оналар мажлисида Дилнуранинг дафтарларини ўrnak сифатида кўрсатилиши инклузив таълим мувафақият йўлида эканлигининг далилидир. Унинг асосий эҳтиёжлари сифатли таълим олишига тўскىнлик қила олмади.

Алоҳида эҳтиёжли боланинг онаси сифатида шундай фарзанди бор бошқа ота-оналарга айтишим керакки, «**Сиз барчасини уddалайсиз, инклузиядан қўрқманг!»**






Шахслар, кечмишлар, тақдирлар

Сизга Самарқанд шаҳар 13-сонли етакчи мактабнинг 1-синф ўқувчиси Сазонова Зоянинг кичик мувафақиятларини ҳавола қилмоқдамиз. Ота-оналари зояни қайси мактабга беришлик ҳақида кўп ўйлашди. Тасодифан лойиҳа тўғрисида эшишиб қолиб Самарқанд шаҳар инклюзив таълим бўйича Координатор Раъно Халиловага мурожаат этишди. Зоя жуда тиришқоқ, у барча нарсаларга қизиқувчан. Ўзи учун янги олам кашф қилмоқда: синфдошлари, баскетбол, тўғараклар, севимли ўқитувчиси – Лола Валерьевна. Умид билдирамизки, Зояни олдинда эзгуликлар кутомоқда, у барча болалар билан биргаликда дунёни танийди.



Зоянинг янги олами





«Мен – кўнгиллиман!»

Исми-шарифим Зилола Жалилова, 6 йил Самарқанд шаҳридаги алоҳида эҳтиёжли болаларга ихтисослаштирилган махсус мактабда ишлаганман. Ҳозир «Ўзбекистоннинг алоҳида эҳтиёжли болаларни инклузив таълим олиши» лойиҳасида 13-сонли етакчи мактабда кўнгилли бўлиб фаолият олиб бораяпман. Қўйида кўнгиллиларнинг ҳаёти ва фаолиятидан 8 асосий далил келтираман:

- 1** Кўнгилли ҳар доим боланинг орқа тарафида тиргак бўлиши шарт: қандай йўл тутиши кераклиги тўғрисида айтиши, у ёки бу вазиятда қандай йўл тутиши лозимлигини тушунтириши керак.
- 2** Агар ўқитувчи барчага, «Ёзинглар, болалар!» деб буйруқ берса, кўнгилли ўқитувчининг сўзини такрорламай. ўқитувчининг буйруғига қандай амал қилиш кераклигини тушунтиради.
- 3** Кўнгилли болага ўқув куни мобайнида соат эрталабки 8 дан ўқув соатлари тугагунига қадар ҳамроҳлик қиласди.
- 4** Кўнгилли кундалик муаммоларни ҳал этади: танаффус пайтида болага ҳамроҳлик қиласди, тенгдошлиари билан муносабатга киришишига ёрдам беради.



- 5** Кўнгилли бола билан ҳар доим синфда бўлади, ўқитувчининг нутқини бола барча билан бир қаторда вазифа. машқ. мисолларни ечиши учун етказади.
- 6** Кўнгилли бола таълимнинг алоҳида режаси асосида шуғуланиши учун синфда у билан бўлиши шарт.
- 7** Кўнгилли ўқитувчи эмас. Уни она тили ёки матема-
- тикага оид билимларни чуқур билиши шарт эмас.
- 8** Кўнгилли алоҳида эҳтиёжга муҳтоҷ ўқувчи ва ўқитувчи ўртасида таълим олишининг воситачисидир. У ўқитувчидан олинган маълумотни ўқувчига осон тарзда тушунтириб, унинг таълим олиш жараёнидаги ўзлаштириш самарадорлигини таъминлайди



Шахслар, кечмишлар, тақдирлар

Муаллиф:
Жўрамуродов
Жўрамуроднинг
онаси
Солиҳназарова
Ражабой



Ҳар бир оиласда фарзанд қадрли ҳисобланади. фарзандларимиз туфайли ҳаётимиз гўзаллашади. Фарзандларим ҳаётимнинг мазмунидир. Жўрамурод Жўрамуродов – бизнинг кенжা фарзандимиз. Унга «DOI алилия» ташхиси қўйилган. Фарзандим ўз тенгдошлари қатори фикрини аниқ билдирамасди, қўллари аниқ ҳаракатланмасди. унинг имконияти чекланганидан хафа бўлиб, болам ривожланиши учун қўлдан келганича шарт-шароит яратиб беришга ҳаракат қиласдим.

Шифокорларнинг тавсияси билан биз уни Термиз шаҳар 3-сонли болалар мактабгача таълим муассасасига олиб бордик. биринчи кунлари жўрамурод мустақил овқат ея олмас, эркин ҳаракатланмасди. Озгина бўлса-да, эркин гапиришни билмасди. Болалар боғчасига келгач на тенгдошлари, на ўзидан катта болалар билан мулоқотга киришмади. Қўл ҳаракатлари беҳол, интеллектуал қобилияти, хотираси ривожланмаган эди. Ҳозир Жўрамурод 5 ёшда. Кузатишларим бўйича, тарбиячилари ва бизнинг эътиборимиз туфайли унда ижобий ўзгаришлар ҳосил бўлмоқда. У мустақил овқатланишга бошлади. Болалар билан ўйнаш жараёнида ҳаракат қилишга ўрганди. Мустақил ечина олади ва кийимларини шкафга ўзи илади. Баъзан четдан кузата



Эътиборингиз ва жонкуярлигингииздан миннатдормиз

туриб унинг тиришқоқлигидан ҳайратланаман. Энди Жўрамурод ўнгача санай олади. Гуруҳдошларининг исмини аниқ айта олади. Тарбиячисини танийди, исмини билади. номини айтиб чақирсангиз кулади. Тенгдошлари у билан яхши муомала қилишади, ўзини ёлғиз

қолдиришмайди. Жўрамурод дўстлари даврасида катта бўлмоқда. Мактаб ёшига етгунига қадар кўп нарсаларни ўрганиб олишига аминман. Бунинг учун мен юртдошларим, у ҳақида ўз фарзандидек қайфураётган мураббийлардан миннатдорман.

Термиз шаҳар, 3-сонли мактабгача таълим муассасасининг тарбиячиси:

«Мазкур лойиҳа шарофати билан болаларга таълим бериш учун техник жиҳозлар олиб келинди. мураббийлар гурухи маҳсус ўқишдан ўтишди. Мен ҳам лойиҳа томонидан ўтказилган семинар-тренингларда иштирок этдим. машғулотлар жараёнида имконияти чекланган болаларга таълим беришнинг янгича услубини ўзлаштириб олдим. бу албатта имконияти чекланган болаларга самарали таълим беришимизда яхши натижга беради. Чунки ҳар бир бола бизнинг Жўрамурод Жўрамуродов каби ўз келажагини қуриши учун эътибор ва таълим олиш ҳуқуқига эга бўлиши керак...»



Инклюзив таълим – амалда

Муаллиф: Урганч шаҳар 8-сонли таълим-тарбия мактаби раҳбарининг ўринбосари **М.Кенжаева**

Бугунги кунда кўп ривожланган мамлакатларда инклюзив таълим бора-сида белгиланган мувафақиятларга эришилган ҳамда етарли тажриба тўпланган. Болалар ривожланиши ва қобилияти даражасидаги жисмоний ҳамда руҳий фарқларни ҳисобга олиб турли мамлакатларда қўлланиладиган амалий чоралар уларнинг мослашуви ва жисмоний тикланишининг муҳим омили

ҳисобланади. «Инсонга муаммо сифатида

қарашдан тўхтаб, унга ўзига хос ва эътибор билан муносабатда бўлгачгина биз ўзгара оламиз» (Саймон). Алоҳида эҳтиёжли болаларни умумтаълим муассасаларига инклюзия (жалб этиш)ни таъминлаш уларнинг жамиятни тўлақонли аъзосига айлантиради. Шунингдек, бизнинг Урганч шаҳридаги 8-сонли умумтаълим макта-



бимиз ҳам ушбу лойиҳада иштирок этмоқда. 2015-2016 ўкув йилидан бошлаб мактаб «инклюзив таълим мактаби» вазифасини бажара бошлади. директоримиз Қувонч Воисова ва педагогларимиз жамоаси билан «инклюзив таълим дастури»га асосланган айни пайтда барча ўкув жараёнидаги ишлар олиб борилаётган маҳсус режа ишлаб чиқилди. Алоҳида эҳтиёжга мухтоҷ 21 бола аниқлаб олинди ва 6

инклюзив синф шакллантирилди. Ушбу синфларда ишлаш учун ижодий потенциали юқори эга бўлган тажрибали пешқадам педагогларимиз жалб қилинди. Максадимиз, инклюзив таълим шароитида болаларни мактаб дастурига мослаштириш эмас; балки аксинча, мактаб дастурларини болаларга хос тарзда – уларнинг руҳий, ижтимоий ва ақлий ривожланишларини таъминлашга ҳаракат қилган ҳолда



Шахслар, кечмишлар, тақдирлар



мослаштириб, ўқувчилар, педагоглар ҳамда ота-оналар муносабатини шакллантиришидир.

Мактабимизда ҳар бир бола бетакрорлиги ва ўзига хосликлари ҳисобга олинган ҳолда алоҳида ёндошув билан таъминланади. Алоҳида эҳтиёжли ҳар бир таълим олувчига боланинг ривожланишидаги имконияти ва қобилиятларини

ҳисобга олиш мақсад қилиб олиниб, унга асосан барча таълим-тарбия ишлари олиб бориладиган ривожланишининг индивидуал режаси(КИО) ишлаб чиқилган.

Ишонаманки, олдимизга кўйган мақсадларга албатта, эришамиз. Чунки жамоамиз болалар истиқболи учун фаолият олиб бораётган аҳил жамоадир.



Муаллиф:
**Абдуллаев
Исломбекнинг
онаси Мадраимова
Манзура**




«Шамсия» болалари – меҳр тафтида

Абдуллаев Исломбекнинг онасиман. 2011 йилнинг 14 августида ўғлимга «Даун синдроми» ташхиси қўйилди. Оиламиз мутахассисларнинг бу маълумотига шубҳа билан қарашди, ҳеч кимнинг ишонгиси келмас эди. Мени ҳам бунга ишонмай қарадим. Бироқ кундан-кун фарзандим ривожланишдан орқада қолаётганлигини сеза бошладим. Скрининг текшируви ўтказиш учун Тошкентга келдик. Ташхис тўғри белгиланган-

лиги аниқ бўлгач эса, Исломбек алоҳида эътиборга муҳтоҷлиги барчага маълум бўлди. Она-мнинг кўллаб-кувватлаши асосида ўғлимни мутахассисларга кўрсатдик, уларнинг маслаҳатлари ва тавсиялари асосида аввал ҳар уч ойда, сўнг эса ҳар олти ойда болани соғлигини тиклаш мақсадида уқалаш муолажаси курсларини ола бошладик. Онам билан биргалиқда фарзандимга гапиришни, эмаклашни, юришни ўргатдик.

Исломбек 2 ёшга тўлганида юришни бошлади. Боланинг нутқи аниқ ва равон чиқиши учун логопедга мурожаат этишга қарор қилдик. шунда қўшнимиз Шура опа Урганч шаҳар 27-болалар боғчасининг логопеди Латофат Рўзметовани тавсия қилдилар. Латофат билан мен ўғлим тўғрисида гапириб берган «Ўзбекистоннинг алоҳида эҳтиёжли болаларни инклюзив таълим олиши» лойиҳаси ўтказган конференцияда та-



нишдим. Шундай қилиб ўғлим билан 27-сонли етакчи мактабгача таълим муассаси (боғча) га қатнай бошладик.

Логопед билан ўтказиладиган доимий машғулотлар натижасида ҳозир ўғлим баъзи сўзларни талаффуз этишини, болалар билан машғулотлар ва тадбирларнда иштирок этишини, чизиш ва апликация қилишини ўрганди. Оддий нарса

бўлиб туюлиши мумкин, бироқ бу оиласиз учун муҳим ривожланиш ҳисобланади. Ва, бу болалар боғчасининг мудираси ва унинг ходимлари Исломбекни ўзларига чўчимай, меҳр билан қабул қилганликлари туфайли бўлди.
Муяссар Иброҳимова бошқараётган ва ҳудудий экспертизм Илмира Қобулова йўналтираётган «Умид»

ота-оналар клубидаги машғулотларга қатнай туриб, биз ота-оналар кучли имкониятга эга эканлигимиз ва қўл қовуштириб ўтирамай, фарзандимизнинг қизиқишилари асосида жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида тарбиялашимиз кераклигини англамоқдамиз. Ва, энг муҳими – «БАРЧАСИ ЯХШИ БЎЛАДИ!» ишонишимиз шарт.



Она нигоҳи



Муаллиф:

Урганч шаҳар.

10-мактабнинг 1-синф ўқувчиси, 7 ёшли Ибрагимов Сарварбекнинг бувиси, «Умид» ота-оналар клубининг раиси –

**Ибрагимова Муяссар
(Мая).**

Қачон бўлса ҳаммбошқа болалар атрофида югуриб ўришганлигида алоҳида эҳтиёжли ўз фарзандини етаклаётган она нигоҳига эътибор берганмисиз?.. унинг нигоҳларида атрофидагилар фарзандига ачиниш, ҳайрат, тушунмовчилик, чўчиш билан қараётгандарни учун ҳам безовталик, аламзадалик, ўқинч бор. Кўзларидаги шунчаки жилмайиш ортида минг хил ўйлантираётган «Нега?» каби

саволлар балки паришонхотирлигига сабаб бўлаётгандир?.. Бундай она учун одамларнинг «Таслим бўлма, олдинга интил, ҳаммаси яхши бўлади» каби далда берувчи сўзлар ниҳоятда муҳим.

Бундай тасаллини менга Урганч шаҳар 28-сонли болалар боғчасининг мудираси Козимова Лайло Тоҳировна берди. «Ўзбекистоннинг алоҳида эҳтиёжли болаларни инклузив таълим олиши» лойиҳаси

асосидаги «Ота-оналар клуби»да учрашдик. Кейинчалик Тошкентдаги Республика Болалар ижтимоий мослашув марказидаги сафарга бирга бордик. «Ахборот консультация хизматимиз(АКХ)га хуш келибисизлар!», – деб самимий кутиб олишди меҳрибон нажот фаришталари. Бизга яхши мутахассислар учради. Мутахассислар набирамга ўтказган барча машғулотда қатнашиб. улардан қўп нар-



Шахслар, кечмишлар, тақдирлар




са ўргандим. Машғулотлар ўртасида оналар ўртасида ўзаро фикр алмашиниб, «Бундай қилса, нима бўлар экан-а?» шаклидаги юраларнинг чигили ёзилди. Бу ерда бегона инсоннинг ўзи йўқ. ҳеч ким бир-бировини муҳокама қилмайди, аксинча, маслаҳатлашилади, телефон ва яшаш манзиллари тўғрисидаги маълумотлар кейинчалик боғланиб туриш учун алмашинади... Ҳар бир она унга ҳайкал қўйиш ёки достон ёзилишига арзиди. Мисол учун, она ДЦП, Даун синдромили фарзандини бағрига босиб ўтирас экан, хаёлида унинг боласи юрагининг бир парчаси, дунёдаги энг азиз ва энг яхши боладир унинг нигоҳида. Бошқа она эса боласини аравачада судрамоқда. АКХга ташриф буюрар экан, ота-оналар мутахассислар шарофати билан қайтадан түғилгандек бўладилар, муаммоларга тўғри қарашга, унга дуч келганида эсанкираб қолмай, ўзини қандай тутиш кераклиги-

га ўрганишади. Машғулотлар пайтида ўрганилганлар зарурат түғилганида курслар тугаганида ҳам кўпланилиши шарт. Бундан АКХнинг хушмуомала, эътиборли, яқин, ғамхўр, билимдон мутахассислари сабоқ берадилар. Улар, албатта, сизни тинглашади. маслаҳат беришади ҳамда ниманидир ўргатишади. **Улар учун энг муҳими боланинг қобилияти ва имкониятларини юзага чиқариш орқали унинг кучли томонларини очиб, жамиятнинг тўла хукуқли аъзоси бўлиши учун касбий жиҳатларини такомиллаштиришдан иборатdir. алоҳида эҳтиёжли бола учун энг яқин инсон унинг онасидир.** Она учун энг муҳим тартиб – бола учун қулай тартибда яшаш ҳисобланади. Она фарзанди билан бирга уни камчиликларни топмай ёки мустақил бажаришга мажбуrlамай, ўйнаши, расм чизиши, қайтадан юришга, гапиришга «ўрганиши» шарт!

Мамлакатимизда инклюзив таълим ривожланиши учун ўзимга қуйидаги қоидаларни белгилаб олдим:

1. Осондан мураккабга қараб оқилона бориш.
2. Тизим асосида ҳаракатланиш.
3. Одамлар гавжум бўлган жойда ўз фарзанди ҳақида тортинмай гапириш, уни бекитмай, жамият ҳаётига ўргатиш.
4. Ушбу муаммони ҳал этиш жараёнига оила, қарндошуруғ, бола қатнаётган болалар боғчаси, мактаб, синф, ота-оналар жалб қилиниши керак.
5. Кўнгиллилик хизматини юқори синф ўқувчилари, талабалар, ёш ўқитувчилар, ота-оналарни ушбу ишга тортган ҳолда тарақкий топтириш шарт.
6. Мавзуни ёритиш жараёнига оммавий ахборот воситаларини фаол чорлаш лозим



2008 йилнинг 11 январида анчадан бери кутаётган ўғлимиз Отабек дунёга келди. Барча ота-оналар сингари баҳтли бўлиб, тақдиримизга шукроналар келтирдик. Отабек оддий болалар каби ўса бошлади, ўйинчоқлар ўйнар, шеърлар ёдлар эди, унинг илк айтган сўзи «ада, ойи» бўлган. Фарзандимиз тўрт ёшидан ўзгара бошлади. Тахминимиз бўйича, бувисиникига меҳмонда бўлганимизда онасини йўқотиб қўйганлигидан қаттиқ қўрқан ва бундан кейин камгап бўлиб қолди. Унда ёлғиз қолиш қўркуви-фобияси, онасига қаттиқ боғлиқлик пайдо бўлди, Отабек хонада ёлғизз қолишдан қўрқарди. Бир қанча врачлар – педиатр, невропатолог, психолог, логопед, дефектолог ва бошқа мутахассисларга қатнашимиз ҳеч қандай натижка бермади, ҳеч ким аниқ ташхис қўя олмади. Мутахассисларнинг фикри бир-бирига тўғри келмас эди. Врачлар томонидан мунтазам кузатишларга қарамай, Отабек беш ёшга етганида регресс бошланиб, умуман гапирмай қўиди. Биз эса врач, логопед, ҳатто хусусий мутахассисларга мунтазам қатнашни қўймас эдик. Бироқ ижобий натижалар кўринмасди. Бола онаси, бувиси ва бошқаларнинг қарамоғида ўса бошлади.

Врачларнинг тавсияси билан биз РБИММ (Республика Болалар ижтимоий мослашув

Қўрқувни енгиб

маркази)га қатнадик, шунингдек, хусусий коррекция-логопед марказида дефектолог машғулотларида иштирок этиш жаравёнида Отабекда ижобий натижалар юзага чиқди. У товушларни ажратиб, талаффуз қилишга, расм чизишига, нарсалар ясашга, ўйинчоқлар билан ўйнашга бошлади. Отабек 7 ёшга тўлганида, олдимизда

сезиларли тарзда ўзгарди. Мактаб ўқитувчиларининг саъи-харакатлари туфайли у ёзиш, ҳисоблаш, қўшиқ куйлаш, расм чизиш ва яна бошқа кўп нарсаларни ўргана бошлади. Энг муҳими эса у тенгдошлари билан сухбатлашади, дўстлари бор. Фарзандимиз синф ва мактаб жамоатчилик ишларида мамнуният билан



келгусида унинг таълим олиш масаласи кўндаланг турди. Биз уни оддий мактабга бермоқчи бўлдик. Бироқ, уни мактабга қабул қилишадими ёки йўқми, билмас эдик. Марказда бизга алоҳида эҳтиёжли болалар учун инклузив таълимнинг худудий эксперти Дилдора Тўлагановага мурожаат этишини тавсия қилишди. Дилдора бизга инклузив таълим лойиҳаси тўғрисида гапириб бериб, болаларни инклузив таълим мактабларига танлаш комиссиясига йўналтирди. комиссия бизни Шайҳонтаҳур туманидаги 324-умумтаълим мактабига жўнатди. Отабек ушбу мактабга қатнай бошлагач, кўз олдимизда

иштирок этмоқда. У мустақил равишда иш юритадиган, ёлғиз қолганида қўрқмайдиган бўлди. Мактабда болалар уни яхши кўришади, ўқитувчилари ўқув материалини ўзлаштиришига ёрдам беришади. Ҳафтада уч марта мактаб логопедига қатнайди. Биз Дилдора Тўлаганова, мактаб директори ва педагоглар жамоасидан қўллаб-кувватлаганларни учун миннадормиз. Ўйлаймизки, алоҳида таълимий эҳтиёжли болалар ўз тенгдошлари қатори оддий мактабда ўқишлиари лозим. Бу уларнинг жамиятда ижтимоий ҳаёт кечиришларига ёрдам беради.



Шахслар, кечмишлар, тақдирлар



Муаллиф: Наманган шаҳар,
11-мактабнинг 1-«Д» синф
ўкувчиси Раҳмоналиев Диёрбек-
нинг онаси Ҳолиқова Муқаддас




«Орзум – келажақда яхши инсон бўлсин...»

«Тошкент вилоятида таваллуд топганман. Турмуш ўртоғим ҳарбий бўлганини учун мана бир неча йиллардан бери Наманганда истиқомат қиласиз. Икки нафар фарзандим – қизим ва ўғлим бор. Бош фарзандим – Диёрбек. Туғруқ жараёни қийин кечганлиги туфайли унинг нутқида нуқсон бор. Уч ёшгача у гапирмаганлиги сабабли врачларга мурожаат қилишга мажбур бўлдик. Врачлар бош мияда икки тарафлама шикастланиш мавжудлигини аниқлаб, «рухий ва нутқ ривожланишининг сустлашиши» ташхисини қўйишиди. Шундан сўнг Тошкент ва Андижондаги шифокорларга мурожаат қилдик ва уларнинг тавсиясига мувофиқ тиббий муолажалар олиб бордик. Шу тарзда вақт тез ўтиб, ўғлимнинг 7 ёшга тўлғанини ҳам сезмай қолдим. Фарзандимни мактабда таҳсил олишини ўйлай бошладим. Бироқ, афсусларким, у жуда уятчан ва одамови эди. Тақдир тақазоси билан инклузив таълим йўлга қўйилаётган Наманган шаҳридаги 11-мактабга бориб қолдим. Мактаб фаолияти тўғрисида айни пайтда кўп гапирилаётган, матбуотда ёзилаётган,

маҳаллий телеканалларда кўрсатилаётган пайтлар. Мен учун муҳим бўлган ўша кунни эсимдан чиқармасам керак. Мактабда алоҳида эҳтиёжли болаларни ўқитилиши юзасидан маълумот олишга борган эдим, семинар ўтилаётган ва унда Тошкентдан келган профессор Лола Раҳимовна Мўминова иштирок этажётган экан. Семинар кун тартибида ота-оналар билан мулоқотга вақт ажратилган бўлиб, вазиятдан фойдаланиб ўғлим тўғрисида гапириб бердим. Лола Раҳимовна гапларимни тинглаб, ўғлимни текширувдан ўtkазиш суҳбатига чақирди ва шундан сўнг фарзандимини 1-синфга қабул қилишди. Ўшандан бери фарзандим учун қувончимни ичимга сиғдира олмаяпман. Мактабда ўқиётган бир неча ойи мобайнида у бўй чўзиб, анча ўзгариб қолди. Менинг индамасгина ўғлим мулоқотта кириша оладиган, ўзига дўстлар орттириб улар билан бирга ўқийдиган ва ўйнайдиган бўлди. Унинг энг яқин дўсти Музаффар. Бир куни унга шеър ёдлата туриб, шеър муаллифи Зафар Диёр, десам, у: «Йўқ, ойи, шеър муаллифи Музаффар Диёрбек», –

дейди-я... Ҳозир ўғлим ёзиши, ўқиши билади, биноиидек расм чизади, ногора чалади. У жуда ҳам баҳтиёр. Диёрбек айтадики, «Менинг дўстим Музаффар, мен уни жуда ҳурмат қиласман. Дўстим билан ҳар куни синфдаги гулларни парвариш қиласиз. Мен ўз ўқитувчимни жуда яхши кўраман. Улар менга ёзиш, ўқиш ва расм чизишни ўргатадилар. Менга мактаб ёқади ва у ерга ҳар куни боришини ёқтираман». Таълим бериш ўқитувчи ва ота-она ўртасидаги алоқа муҳим аҳамиятга эга бўлган мураккаб жараён эканлигига ўз тажрибамда ишондим. Масъулият ўқитувчининг ўзидагина эмас, бизнинг ўзимизда ҳам бўлмоғи даркор. Уй вазифаларини фарзандим билан бирга бажаришга, синфнинг очиқ машғулотлари ҳамда тадбирларида иштирок этишга ҳаракат қиласман. Орзум – ўғлим Диёрбек яхши инсон бўлиб улғайиб, мамлакатимиз тараққий топишида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшсин. Барчани бирдек кўриб ўқитилаётган инклузив таълимга ташаккур».



Қўллаб-қувватлаш Маркази

Муаллиф: Тошкент вилоятининг инклюзив таълим бўйича координатори **Дилдора Тўлаганова**

Инклюзив мактабнинг асосий тамойили барча болалар ҳар қандай қийинчиллик ва улар ўртасидаги тафовутга қарамай, ҳар қандай шароитда бирга таълим олишлари шарт эканлигини ўз ичига олади.

Алоҳида эҳтиёжли болаларнинг таълим олиши ота-оналар ва мутахассисларнинг умумий вазифаси ҳисобланади. болаларни мактаб ва жамиятга мослашишларининг таъминланишига ёрдам берилиши ота-оналарда ижобий муносабат уйғотмоқда. Алоҳида таълими эҳтиёжли болаларга таълим ва тарбия беришда ота-она ва ўқитувчилар тенг ҳамкор бўлишлари шарт. Ота-оналарга фарзандларига мос келадиган таълим турини танлаш ҳуқуқи берилиши керак ва бунда ота-оналарни қўллаб-қувватлаш учун инклюзив таълим бўйича Ресурс маркази ёрдам беради. Ресурс марказига мурожаат қилган ота-оналар фарзандларининг келажақдаги таълим йўналишини белгилаб олиш юзасидан барча зарур маълумот ва маслаҳатларни олишади.

2015 йилнинг ёзида Ресурс марказига 7 ёшли Артёмнинг онаси қўнғироқ қилди. Боланинг нутқида муаммо бўлиб, бир қўли ва оёғи яхши ишламас экан. Бироқ шунга қарамай, у жуда интилувчан, меҳнатсевар,

қизикувчан ва мактабга боришини жуда истаркан. Она фарзандидаги ўзига хос жиҳатлар туфайли оддий мактабда ўқий олиши ёки йўқлиги борасида қайғураётган эди. Умумтаълим мактабида боласининг ўқиши тўғрисидаги тавсияномани олгач, онада ўғли барча болалар

ва онасининг доимий ёрдамида у ҳарф ва рақамларни ёзиши ўрганиб олди. Унга айниқса, жисмоний тарбия ва мусиқа фанларига бориш ёқади. Жисмоний тарбия дарсида Артём гурухини орқада қолдирмасликка ҳаракат қиласди ва унга ён босишлари-



қатори оддий мактабда ўқишига умид пайдо бўлди. Бироқ хавотир ҳали тарқалмаганди.

Ниҳоят Артём инклюзив мактабнинг биринчи синфиға чиқди. Бу оддий мактаб. Лекин ўқитувчилар бу мактабда оддий болалар қатори алоҳида эҳтиёжли болаларни ҳам қабул қилиб, ўқитишига тайёрдирлар. Артём ҳар куни мамнуният билан мактабга қатнайди. Агар ўнг кўли унга бўйсунмаса, у чап кўлида ёза бошлайди. аввал у ўзишига бирмунча қийналди, тез чарчаб қолди. Ўқитувчиси

ни ёқтирамайди. Артём ёқимтой ва ўзига тортувчи бола, унинг атрофида доимо синфдошлари тўпланишади, дўстлари кўп. Бир куни фарзандининг ўқишидан хабар олгани синфиға борган онаси ўғли математика ва ўқиш фанларидан бошқа тенгдошларига нисбатан яхши ўзлаштираётганлигини аниқлаганлигини мамнуният билан айтиб берди. Қийинчилларга қарамай Артём тушкунликка тушмайди. У ўз тенгдошлари қаторида мувафақиятли ўқимоқда.



Фойдали ресурслар

Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилаётган «Ўзбекистоннинг алоҳида эҳтиёжли болаларини инклюзив таълим олиши» лойиҳаси доирасида қуидаги Ахборот қўлланмалари тайёрланди:



Болалар учун инклюзив таълим бериш бўйича китобча



Давлат органлари ва идораларга инклюзив таълим тўғрисида маълумот берувчи Ахборот қўлланмаси



Аҳолига инклюзив таълим юзасидан маълумот берувчи Ахборот қўлланмаси



Инклюзив таълим бўйича ўқитувчилар гурӯҳи ва ота-оналарни бошқарув

Лойиҳа доирасида тайёрланган ушбу нашрлар ва ахборот бюллетенининг мазкур сонлари (№1-№5) бизнинг сайтиизда мавжуд:

<http://www.inclusive-education.uz/>





Ҳамкорларимизнинг сайти:

- Республика Болалар ижтимоий мослашуви маркази – <http://www.rcsad.uz>
- Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги – www.edu.uz
- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги – www.minzdrav.uz
- Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги – www.uzedu.uz
- Ўзбекистон Республикаси Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва меҳнат вазирлиги – www.mehnat.uz
- БМТнинг Ўзбекистондаги Болалар фонди (ЮНИСЕФ) – <http://unicef.uz/>
- «Сен ёлғиз эмассан» Республика жамоат болалар Фонди – <http://www.sen.uz/>
- SOS – Ўзбекистондаги болалар шаҳарчаси – <http://sos-kd.uz/>

ХУДУДЛАРДАГИ ЭКСПЕРТЛАРНИНГ КОНТАКТЛАРИ

Урганчдаги масъул шахс:

Лойиҳанинг ҳудуддаги координатори:
Илмира Қобулова, тел: +998 93 755 17 87
Эл.почта: ilmira.kabulova@gmail.com

Термиз шаҳридаги масъул шахс:

Лойиҳанинг ҳудуддаги координатори:
Ихтиёр Темиров, тел: +99890-521-34-05
Эл.почта: ixtiyor_temirov@inbox.uz

Наманган шаҳридаги масъул шахс:

Лойиҳанинг ҳудуддаги координатори:
Мақсада Мухсинбоева,
тел: +998-91-3677505
Эл.почта: m.muhsinbaeva@gmail.com

Самарқанд шаҳридаги масъул шахс:

Лойиҳанинг ҳудуддаги координатори:
Рано Халилова, тел: +998-90 6033845
Эл.почта: rano.halilova@mail.ru

Тошкент шаҳридаги масъул шахс:

Лойиҳанинг ҳудуддаги координатори:
Дилдора Тўлаганова
Тел: +998 93 512 83 54,
Эл.почта: dtulyaganova@mail.ru

«Ўзбекистоннинг алоҳида эҳтиёжли болаларини инклюзив таълим

олиши» лойиҳасининг оғиси
Республика Болалар ижтимоий мослашуви
маркази, Тошкент шаҳар,
Абдулла Қаҳҳор кўчаси, 34-үй
тел: (+99890) 980-59-85
Эл.почта: inklyuzivnoe.obrazovanie@hd-ie.com



Лойиха эксперлари:



Мудите Рейгасе – инклюзив таълим бўйича эксперт

Латвияданман. Айни пайтда Миллий таълим марказидаги Maxsus таълим бўлимнинг раҳбари вазифасида фаолият олиб бормоқдаман. Таълим соҳасидаги иш тажрибам 33 йил, шундан 26 йилида мактабда ишладим. Мактабда инглиз тили ўқитувчиси вазифасидан то мактаб директори ўринбосари даражасигача кўтарилдим. 16 йил оддий болалар билан бир қаторда ақпий ривожланишдан орқада қолган болалар ўқийдиган Maxsus мактаб-интернатда директор бўлдим. Бу maxsus ва оддий синфлардан иборат интеграллашган мактаб кўриниши эди. Мана қарийб 9 йил бўлибдики, maxsus ва инклюзив таълим сиёсатини амалга ошириш соҳасидаман. Педагоглар ҳар бир ўқувчидаги турли эҳтиёж, қизиқиш, дунёқарашга эга бўлган шахсни кўришлари мен учун жуда муҳим. Ҳар бир мактаб ҳар бир ўқувчи учун хавфсиз муҳитни таъминлаб беришига қатъий ишонаман.



Мўминова Пола Раҳимовна – ТППК ва ўқув модулларининг эксперти, Республика

болалар ижтимоий мослашуви марказининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари

Мутахассислар бўйича мактабгача таълим муассасаси, мактаб ва тиббий муассасасининг логодеди, бошланғич синф ўқитувчиси, педагогика фанлари доктори, Тошкент давлат педагогика университетининг коррецион педагогика кафедрасининг профессориман. 30 йилдан бери шу йўналишдаги муассасаларга кадр тайёрлаб бериш билан шуғулланаман. Инклюзив таълим maxsus таълимда инновация сифатида республикада демократик жамият қуриш учун айни пайтда долзарб ва жуда муҳим. Мутахассис сифатида лойиха ўз ниҳоясига етса ҳам, алоҳида эҳтиёжга эга болалар учун инклюзив таълим барқарор бўлиши учун барча кучим ва имкониятимни сарфлайман.



Катерина Майнзук – бюджет ва ҳуқуқ бўйича ҳалқаро эксперт

Касбим бўйича иқтисодчиман. бюджет тизимини мустаҳкамлаш, аҳолини ёрдамга муҳтож қатлами – болалар. қариялар, имконияти чекланган кишиларга ўта фойдали ижтимоий хизматлар билан таъминланиши борасида иш олиб бораман. Фаолиятим доирасида турли мамлакат – аҳолини ҳимояга муҳтож қатламига бефарқ бўлмаган Марказий Осиё, Шарқий Осиё, Шарқий Европа, ва Ғарбий Болқон давлатларининг ижтимоий сиёсатини шакллантиришга ёрдам бердим. Лойихада мен гуруҳ билан Узбекистондаги мавжуд инклюзив таълим тизимини баҳолаш ва уни яхшилаш учун тавсиянома ишлаб чиқиш борасида иш олиб бораётман.



Мэтью Гриффитс–тренинглар бўйича ҳалқаро эксперт

Имконияти чекланган кишиларнинг инклюзияси соҳасида қирқ йилдан ортиқ вақтдан бери ишлайман. 2000 йилгача мен maxsus ва инклюзив таълим тизимидағи аввал инсонлар «ноодатий» ва «мажруҳ» деб қараган болалар ва ёшлар билан фаолият олиб борганман. Рафиқам билан 1970 йилда инсонлар оиласида яшashi мумкин деб ҳисоблаган ногиронликнинг оғир шаклига дучор бўлган қора танли болани асраб олганмиз.



Мен Ўзбекистондаги алоҳида эҳтиёжга муҳтож болалар ва оиласаларга имконият яратиб берувчи лойихада иштирок этаётганимдан мамнунман.

Юрген Беккер – лойиха раҳбари

Австрияликман, бироқ Венадан эмас, балки чекка ҳудуддаги нақд Алп тоғларининг қок марказида жойлашган Инсбрук шаҳариданман. Асосий касбим бўйича психологман. 2000 йилдан ҳалқаро тараққиёт, болаларни ҳимоя қилиш соҳаларида фаолият олиб бориб келмоқдаман. 2000 йилда БМТнинг бола ҳуқуқлари тизими юриспруденция магистри унвонини олганимдан бери ижтимоий ва алоҳида эҳтиёжга муҳтож болаларнинг инклюзияси секторининг моҳиятини чуқурроқ англай бошладим. Мен болаларни «денинституционализация» қилиш соҳасида собиқ иттифоқ мамлакатлари ҳамда Болқон ҳудудида фаолият олиб бордим. Лойихамизда ишлашим менга жуда ёқади. кўриб турибманки, алоҳида эҳтиёжга муҳтож болаларни ижтимоий ва таълим йўналишларида олиб бораётган ишларимиз олдинга қараб силжимоқда.



Елена Вахакопус – таълим бериш метадологиясини ишлаб чиқиш ва сифатини баҳолаш механизми масалалари бўйича эксперт.

Педагог-психолог соҳасининг мутахассиси бўлишга ўқиганман. 20 йилдан ортиқ вақт мобайнида инклюзив таълимни йўлга кўйиш ҳамда имконияти чекланган катталар, болаларни реалибитация қилиш; давлат идоралари, ҳукумат ва ННО билан таълимиy-ижтимоий сиёсатни ишлаб чиқиш, интеграциялаш ҳамда жорий қилишда ишлаб келмоқдаман. Инклюзив таълим инсоннинг асосий маънавий ҳуқуқи деб ҳисоблайман.



Лойиҳа экспертилари:



Шерзодбек Шарипов – маълумотларни тўплаш, сақлаш ва фойдаланиш методикаси ва механизми масалалари бўйича эксперт

Лойиҳа доирасида асосий эҳтиёжга муҳтож болалар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш методикаси ҳамда воситалари устида иш олиб бормоқдаман. Бундан ташқари биз инклузив таълим учун муҳим бўлган электрон маълумотлар базасини яратамиз ва бошқарамиз.



Ильмира Қобулова – худудий эксперт, Хоразм вилояти

Касбим бўйича математика ўқитувчисиман, иш стажим 23 йил. Менинг бош ҳаётий ақидам – «Агар қандайдир эшик очиқ турган бўлса, уй ичкарисида нима борлигини кўриш шарт». Ҳаётий шиоримга амал қилган ҳолда, озигина бўлса-да, Ўзбекистон таълим тизимини ривожланишига ҳисса кўшган ҳол алоҳида педагогик ёндошуvgа муҳтож болалар нимадир янгилик яратиб, фойдали иш қилишни истайман.



Ихтиёр Темиров – худудий эксперт, Сурхондарё вилояти

2011 йилдан бери Сурхондарё вилояти Халқ таълими Бошқармасининг имконияти чекланган болаларни ўқитиш йўналишида ишлайман. Умид билдираманки, лойиҳа якунида ўз ҳиссамни кўшганим ҳолда алоҳида эҳтиёжга муҳтож болаларни жамият ҳаётида ўз ўринларини топишидаги интеграциялаш даражаси ортади, уларга нисбатан муносабат ўзгариб, ўз қўнималарини ривожлантириш ва мактаб ҳаётидаги фаолияти ошади.



Мақсада Муҳсинбоева – худудий эксперт, Наманган вилояти

41 ёшман, мутахассислигим бўйича педагог-психологман. Имконияти чекланган кишилар билан ишлашдаги яқиндагина олган тажрибам ҳаётимни тубдан ўзгартириб юборди. Уч кун мобайнида ногиронлик турли даражасидаги болалар, шунингдек, уларнинг отоналари, мураббийлари билан нималар биландир ишладим, яратдим, қилдим. Уларнинг бир-бирига бўлган муносабатлари менда шундай кучл таассурот қолдиридки, буни сўз билан ифода этиб бера олмайман. Улар ниманини ўргангандар бўлсалар, болаликларидан бу нарсалар сингдирилган. Бундай болаларга вақт кўпроқ кетади, бироқ эришилган натижка ва ютуқлар олдида барча қийинчилклар эсдан чиқади.



Раъно Халилова – худудий эксперт, Самарқанд

Коррекцион мактабда рус тили ўқитувчилигим бўлиб ишлайман. Лойиҳа гуруҳи билан бирга асосий эҳтиёжга муҳтож болаларнинг муаммолари тўғрисида жамиятни боҳабар қилишни истайман. Ҳаёт соғлиқдан кўра устун экан, барча болалар бирга таълим олишлари шарт деб ҳисоблайман. Барча болаларда қобилият, ўсиш салоҳияти, жинс, этник қатлам турлича. Бизнинг вазифамиз алоҳида эҳтиёжга муҳтож болаларни таълим тизимида мослаштиришга ёрдам беришдан иборат.



Дилдора Тўлаганова – худудий эксперт, Тошкент вилояти

Маълумотим бўйича дефектологман. 1995 йилдан 2014 йилгача 4–сонли оммавий болалар боғчасида мудира бўлиб ишладим.. 2010 йилдан ҳозирги кунгача нодавлат ўқув-коррекцион реалибитация марказининг директориман. 2009 йили Фазалкент шаҳридаги 4 мактабгача таълим муассасасида соғлом болалар билан бир қаторда имконияти чекланган болалар таълим оладиган ва тарбияланадиган аралаш гуруҳ ташкил этдим. Ўйлайманки, алоҳида эҳтиёжга муҳтож болалар жамиятда оиласдан ажралмаган ҳолда ўз ўринларини топишлари ва қизиқиш ҳамда имкониятларига кўра таълим олишлари керак.



Юлдузхон Умарбекова – ҳуқуқий месалалар бўйича миллий эксперт

Болалар ҳуқуқи, шунингдек, оиласлар ва болалар билан ишлаш бўйича мутахассисман. РБИММ да фаолият олиб бораман. Умид билдираманки, лойиҳа фаолияти натижасида мамлакатимизда инклузив таълимни жорий этиш бошланади ҳамда жамиятимиз мазкур жараённи англаган ҳолда ушбу жараёнда иштирок этади.

Лойиҳа ҳақида қисқача маълумот «Ўзбекистоннинг алоҳида эҳтиёжли болаларини инклюзив таълим олиши» лойиҳаси



Лойиҳа ўз фаолиятини уч асосий йўналишда 5 географик ҳудудда – Тошкент шаҳар, Самарқанд вилояти, Наманган вилояти, Хоразм вилояти, Сурхондарё вилоятларида олиб боради.

Биринчи йўналиш: Стратегик доира. Алоҳида эҳтиёжга муҳтож болалар учун тенг ва инклюзив муносабат ўрнатишда ҳукуматнинг юридик ҳамда молиявий доирасида узоқ муддатли стратегияни ишлаб чиқиши

Иккинчи йўналиш: Имкониятларни кенгайтириш. Инклюзив таълим бўйича хизмат олди ва паралел йўналишда ўқитувчилар ҳамда ёрдамчи ходимларни тайёрлаш модулини ишлаб чиқариш ва йўлга қўйиш.

Учинчи йўналиш: Жамият хабардорлигини ошириш

Ўзбекистонимизда алоҳида эҳтиёжга муҳтож болалар ва катталарни инклюзиясини амалга ошириш зарурлигини жамиятга етказиш.

Асосий ҳамкорларимиз Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази (РБИММ) ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги



Европа Иттифоқи



РБИММ



Ўзбекистон Республикаси

Ушбу лойиҳа Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилмоқда
ва HumanDynamics раҳнамолигидаги консорциум орқали амалга оширилмоқда.

Веб-сайт проекта «Инклюзивное образование для детей с особыми потребностями в Узбекистане»: inclusive-education.uz/

Следите за нашими новостями в Facebook: www.facebook.com/inclusive.uz

Веб-сайт Делегации Европейского Союза в Республике Узбекистан: eeas.europa.eu/delegations/uzbekistan

Страница Делегации Европейского Союза в Facebook: www.facebook.com/eudeluzb

Веб-сайт Республиканского центра социальной адаптации детей: www.rcsad.uz



Тошкент, 2016 й.